

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аликулов Меҳмонали Салаҳиддин ўғли,
Доценти в.б., PhD. Тошкент молия институту
e-mail: mehmonali1992@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5981-885X

INDICATORS FOR ASSESSING THE EFFICIENCY OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF INSURANCE ORGANIZATION

Alikulov Mekhmonali Salohiddin ugli,
PhD. Associate Professor of the Tashkent Institute of Finance
e-mail: mehmonali1992@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5981-885X

JEL Classification: G1, G22

Аннотация: Мақолада суғурта ташкилотининг инвестиция фаолятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг етакчи олимлари фикрлари ўрганилган, суғурта компанияларининг инвестиция фаолятини баҳолашни кетма-кетлиги, суғурта компаниялари инвестицион фаоляти самарадорлигини баҳолаш методлари, суғурта ташкилотининг инвестицион фаолятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган аналитик кўрсаткичлар таклиф этилган, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича асослантирилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатимизда қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

Abstract: The article examines the opinions of the world's leading scientists on the indicators of the effectiveness of the investment activity of the insurance organization, the sequence of the assessment of the investment activity of insurance companies, the methods of evaluating the effectiveness of the investment activity of insurance companies, the analytical indicators used in the analysis of the investment activity of the insurance

organization are proposed, the investment activity of the insurance organizations is proposed. based conclusions and suggestions on performance evaluation indicators were developed and recommendations for application in our country were given.

Калим сўзлар: суғурта, суғурта фаоляти, суғурта мукофоти, инвестиция, инвестиция фаоляти, суғурта компанияси, суғурта бозори, ҳаёт суғуртаси.

Key words: insurance, insurance activity, insurance premium, investment, investment activity, insurance company, insurance market, life insurance.

Кириш. Жаҳон амалиётида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобиляти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ ҳозирги кунда миллий суғурта бозорининг ижобий имижини

шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибadorлигини ошириш, шу жумладан, миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялашувини ошириш, суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ушбу соҳада кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда суғурта жараёнлари фаоллашганлигини мамлакатимиз молия-кредит тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижаси десак муболаға бўлмайди. Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича айрим ҳудудларда ўсиш суръатлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлганлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг кўплаб имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Айти вақтда Ўзбекистон Республикасида 41 та суғурта ташкилоти мавжуд бўлиб, жумладан, умумий суғурта соҳасида 33 та, ҳаёт суғуртаси соҳасида 8 та суғурта компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда, шунингдек, суғурта ташкилотларининг 2022 йил 9 ойи яқунлари бўйича умумий устав капитали 1,838 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу суғурта ташкилотлари томонидан жами 7809,8 минг дона шартномалар тузилган бўлиб, шу давр мобайнида 4,452 трлн. сўм суғурта мукофотлари йиғилган ҳамда суғурталанувчиларга 2,896 трлн. сўм суғурта тўловлари тўлаб берилган[1]. Бу кўрсаткич ўтган даврнинг шу вақти билан солиштирилганда 142 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда суғурта хизматлари бозорининг мамлакатлар ЯИМдаги улушини таҳлил қилинганда, бу кўрсаткич АҚШда 12 фоиз, Жанубий Кореяда 11,6 фоиз,

Германияда 6,8 фоиз ва Россияда 1,5 фоизни ташкил қилади. Таққослаш учун, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 0,48 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири суғурта хизматларининг етарлича жозибador эмаслигидир. Бу эса суғурта бозори салоҳиятининг тўлиқ ишга солинмаётганлиги ва суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятига етарлича эътибор берилмаётганидан далолат бермоқда. Мазкур масалаларни ҳал этилиши алоҳида долзарблик касб этади.

Материал ва метод. Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш натижасида суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолаш бўйича бир қатор олимлар ва мутахассислар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Масалан, Э.Ҳ.Певченко ва Т.Г.Илина томонидан суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини баҳолашнинг махсус усуллари мавжуд эмаслиги муаммосига эътибор беришган[2], О.С.Бобков ва И.П.Курочкиналар томонидан суғурта компанияларининг заҳираларини инвестициялашни бошқариш самарадорлигини ошириш учун бир қанча таклифлар берган[3], А.А.Тургаева томонидан суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожланишнинг стратегик йўналишлари белгилаб олиш кераклиги, суғурталовчининг инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ўрнатилган ва ҳисоблаб чиқилган. Суғурта компаниялар қудратининг кўрсаткичлари ва ташкилот қийматига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Суғурта компанияларининг рақобатбардош устунликлари аниқланган. Суғурталовчининг инвестиция портфелини шакллантириш

тартиби тақдим этилган. Инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи тўғридан-тўғри ва билвосита кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар таснифланган, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари[4], В.В.Фролова томонидан суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини бошқаришни сифатни диагностика қилишнинг нисбий кўрсаткичларини ишлаб чиққан ва қисқача изоҳлаб берган[5], Олха Козменко, Вистория Роенко томонидан суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини баҳолаш бўйича илмий-услубий ёндашув, инвестиция хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги асосида инвестиция стратегиялари ишлаб чиқиш, ҳаётни суғурталаш соҳасидаги Украина компанияларининг инвестиция фаолиятининг ҳозирги даражаси ўрганилган ва тегишли тавсиялар берилган[6], Вей Хуанг, Мартин Элингларнинг томонидан дунёдаги энг тез ўсиб бораётган тўртта бозор - БРИС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) мамлакатларида ҳаётни суғурталаш билан шуғулланмайдиган компаниялар самарадорлигини таҳлил қилинган ва ўз илмий ишларида кўп босқичли маълумотларни зарф қилиш таҳлили (Data envelopment analysis) ёрдамида самарадорликни таҳлил қилишда бошқариб бўлмайдиган ўзгарувчиларни киритган. Ушбу ёндашув сиёсий ва иқтисодий муҳит каби мамлакатлараро фарқларни ўзида мужассам этади ва атроф-муҳит шароитлари туфайли бошқарувнинг самарасизлиги ва самарасизлигини ажратишга имкон беришини аниқлаган[7]. Каору оҳанг Қиан Лонг Квех, Вен-Мин Лу ва Ирене Вей Кионг Тинглар томонидан

инвестициялар ва тегишли ишлаш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни ўз ичига олган шу жумладан ликвидлилик, рентабеллик ва таъсир кучининг ҳар бир нисбатини таққослаш учун кўп мезонли қарорларни таҳлил қилиб самарадорлик коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни очиб беришга бағишланган ёндашувларини[8] батафсил ёритиб беришга этиборини қаратган.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича дунё олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни таҳлил қилиш, мавзу юзасидан барча маълумотларни тўплаш, солиштириш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Натижалар. Шу ўринда хорижий мамлакатлакатларни тажрибасини ўрганганимизда суғурта ташкилотлари иқтисодиётда ўзини институционал инвестор сифатидаги функциясини тўлиқ намоёт этаётганлигини гувоҳи бўлдик. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Германия, Испания, Австралия ва Бразилия каби давлатларда суғурта ташкилотлари жуда катта суғурта фондларни ташкил этган бўлиб, ушбу фондлар мамлакатларни ЯИМдаги улишида ҳам салмоқли ўрин эгалламоқда. Шунингдек, суғурта компаниялари кўплаб соҳаларга сармоя киритадилар, «улар бозорларни барқарорлаштирадилар ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда ёрдам беришади. Мисол учун суғурта компаниялари томонидан муниципал облигацияларга киртилган инвестициялар ҳисобидан ҳар йили 1000 га яқин

бошланғич мактабларни куриши ва шаҳар транспорт лойиҳаларини молиялаштириши»[9] мумкин. Шунингдек, «Осиё мамлакатларидан Жанубий Кореяда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 12,1 фоиз (170,8 млрд. АҚШ доллар), Қозғистонсуғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 0,8 фоиз (1,11 млрд АҚШ доллар) ва бизнинг мамлакатда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни (110 млн. АҚШ доллар) ташкил этмоқда»[10], Жанубий Кореяга нисбатан 30 баравар кам ва мамлакатимизда суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти ҳали ҳам жуда паст кўрсаткични кўрсатмоқда.

Таҳлилларимиздан шуни кўришимиз мумкинки, «суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолашнинг махсус усуллари мавжуд эмаслиги»[2], «суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожланишнинг стратегик йўналишлари белгилаб олиш кераклиги, суғурталовчининг инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаб чиқиш керак. Суғурта компаниялар самарадорлик кўрсаткичлари ва ташкилот қийматига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳолда рақобатбардошни тامينлаш мумкин. Инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи тўғридан-тўғри ва билвосита кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлларини»[4] ишлаб чиқишимиз зарур. Суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини «бошқариш сифатни диагностика қилишнинг нисбий кўрсаткичларини ишлаб чиқиб

инвестиция хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги асосида ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни ўз ичига олган шу жумладан ликвидлилик, рентабеллик»[8] кўрсаткичларини таҳлил қилиб самарадорлик коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни очиқ беришга эътиборимизни қаратишимиз даркордир.

Инвестициялардан самарали фойдаланишда аввало узок муддатли инвестицияларни салмоғини ошириш, узок муддатли суғурта хизматлари турларини яратиш ҳамда кўпайтириш, аҳоли орасида ушбу суғурта турларига бўлган ишончни ошириш, кўплаб миқдорларни суғурта ҳимоясига жалб қилишни ташкил этиш лозимдир. Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишда яна бир қанча муаммолар юзага келганки, яъни мамлакатда суғурта соҳаси, инвестиция фаолияти бўйича ҳуқуқий базалар яратилган бўлсада ушбу фаолиятни олиб боришда айрим чегаралар қўйилганидир.


Жаҳонда бугунги кунда суғурта компанияларининг асосий даромад олиш манбаи бўлиб суғурта операцияларини амалга ошириш ва бўш маблағларини юқори даромад олиш мақсадида инвестицияга жалб этиш ҳисобланади. Шундай экан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари фаолиятини янада ривожлантириш имкониятлари орқали инвестиция самарадорлигини ошириш замон талабларидан бири эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозимдир. Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатларини кўзлаб бу жараёнда ягона бир мақсадга, яъни фойда (даромад) олиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Мамлакатимиз суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш учун компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳоловчи

кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва суғурта компанияларининг инвестиция

фаолиятини самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни таклиф қиламиз (1-расм).



1-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини баҳолашни кетма-кетлиги¹



2-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолаш методлари²

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

² Муаллиф томонидан тайёрланган.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини баҳолашни бир неча босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек қуйида биз ҳар бир босқич бўйича баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган метод ва формулаларни орқали суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини туғри ва оқилона баҳолашимиз мумкин.

Қуйида суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолашда бир неча методларни батафсил кўриб чиқамиз(1-2-жадвал). Суғурта ташкилотларининг инвестицион

фаолиятининг умумий таҳлилини амалга оширишда дастлаб, суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига йўналтирилган ҳар бир активнинг даромадлилик даражасини ифодаловчи коэффициенти, шунингдек, ушбу инвестиция йўналишларининг суғурта компаниясининг умумий капиталининг ўртача йиллик ҳажмига нисбатан нисбати коэффицентлари аниқланади.

Суғурта ташкилотининг инвестицион фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги аналитик кўрсаткичлар таклиф қилинади(2-жадвал).

1-жадвал

Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятининг умумий таҳлили³

Инвестиция фаолияти коэффициенти (К_{ИА})	Суғурта компанияси томонидан амалга ошириладиган инвестициялар бўйича ўз капиталининг хавфсизлик коэффициенти (К_{ХЎК})
К_{ИА}=И_{Ск}/А_{Ск}	К_{ХЎК}=И_к/Ў_к
И _{Ск} – суғурта компаниясининг жами инвестициялари; А _{Ск} – ҳисобот даврида суғурта компаниясининг бухгалтерия баланси жами активи.	И _к – суғурта компаниясининг кўчмас мулкка йўналтирилган инвестициялар ҳажми; Ў _к – суғурта компаниясининг ўз капитали.
<i>Изоҳ: Ушбу коэффицент суғурта компаниясининг активларининг қанча қисми инвестицияларга йўналтирилганлигини ифодалайди. Ушбу коэффицентнинг қиймати бўйича суғурта компаниясининг қайси турдаги инвестиция сиёсати танланганини аниқлаш мумкин</i>	<i>Изоҳ: Ушбу коэффицент суғурта компаниялар томонидан амалга оширилган инвестицияларни қанча қисми ноинфляцион манбаларга жойлаштирилганини ифодалайди</i>

2-жадвал

Суғурта ташкилотининг инвестицион фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган аналитик кўрсаткичлар[3]

№	КЎРСАТКИЧ-ЛАР НОМИ	ФОРМУЛАЛАР	ИҚТИСОДИЙ МАЪНОСИ	ХУЛОСА
1	Инвестицион	К_{ИТ}=И/Б_А	<i>Кўшимча фойда</i>	<i>кўрсаткич қанча</i>

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	тўлиқлик коэффициенти	И- инвестиция Б _А -баланс активи	олиш мақсадида ишлатилаётган активларнинг бир қисми (инвестиция қисми)	юқори бўлса шунча яхши, шунинг учун бу кўрсаткич йилдан йилга ўсувчи бўлса компания учун фойдали
2	Инвестициянинг самарали йўналишлари улуши	$K_{исй} = (A_0 + U_{кк} + U_{кк}) / И$ А ₀ -бошқа ташкилотларнинг акциялари U _{кк} -қарз қимматли қоғозлари ва уларга берилган кредитлар U _{кк} -бошқа ташкилотларнинг устав (йиғма) капиталига улушлар И- инвестиция	Умумий инвестицияларда энг самарали йўналишлари қанча улушни ташкил этишини кўрсатади (инвестициялар сифати)	кўрсаткич қанча юқори бўлса шунча Инвестицияларнинг самарадорлиги юқори аммо қимматли қоғозларга қўйилмалар молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда рискнинг пастлиги таъминланиши керак.
3	Инвестициялар рентабеллиги (Хаёт суғуртасида)	$P_{и(х)} = (ИД_x - ИХ_x) / СМ_x$ ИФ _х -инвестициялар бўйича даромадлар; ИХ _х -инвестициялар бўйича харажатлар; СМ _х -суғурта мукофотлари.	Хаёт суғуртаси рентабеллиги	Бу икки турдаги кўрсаткичларни солиштириши инвестиция самарадор йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.
4	Инвестициялар рентабеллиги (Умумий суғуртада)	$P_{и(у)} = (ИД_у - ИХ_у) / СМ_у$ ИД _у - инвестициялар бўйича даромадлар; ИХ _у - инвестициялар бўйича харажатлар; СМ _у - суғурта мукофотлари.	Суғуртанинг рентабеллиги	
5	Суғурта мукофотларини инвестиция қилиш коэффициенти	$K_{ик} = (И_{шхж} + И_{кккк} + Z_{бт} + K_{ас,на}) / СМ$ И _{фсо} -филиалларни сотиб олиш; И _{кккк} -қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инвестицияларни сотиб олиш; Z _{бт} - бошқа ташкилотларга бериладиган кредитлари; K _{ас,а} - асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш; с _м - суғурта ва суғурта шартномалари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари	Инвестицион фаоллик даражаси, ҳисобот даврида келиб тушган суғурта мукофотларининг инвестицияга жойлаштирилган қисми	кўрсаткич юқори бўлишига ва иложи борича 1 га интилиши керак

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бундай таҳлилни ҳеч қайси суғурта

компанияси доимий равишда амалга оширмайди. Бу турдаги таҳлилларни

доимий равишда амалга ошириш ва таҳлил натижаларига кўра инвестицион портфел структурасини ўзгартириш ижобий натижа келтиради деб ҳисоблайман.

Мунозара. Суғурта компаниялари инвестицион фаолиятини самарадорлигини ошириш учун суғурта захираларини жойлаштириш принципларини амалга ошириш, назорат принципини жорий этиш ва суғурта захираларини жойлаштириш қоидаларига бирқанча ўзгартиришлар киритиш керак:

Биринчидан тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш мёрларини киритиш, яъни суғурта захираларини 30-35 фоизни қимматли қоғозлар фонд бозорида иштирок этмаган қимматли қоғозларга жойлаштириш лозим. Бунда бир тарафдан суғурта компаниялари ўз пул маблағларини мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирадilar. Бу эса ҳозирги кунда амалиётда мавжуд эмас. Бошқа томондан эса бундай қўйилмаларни қайтиш даражаси ва ликвидлилик даражасини тўғридан тўғри назорат қила оладилар. Агарда суғурта захираларини давлат қимматли қоғозлари ёки банк қимматли қоғозларига жойлаштирилса бундай назоратни амалга оширишни умуман имкони йўқ;

Иккинчидан суғурта субъектларига суғурта захираларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқариш соҳалари бўйича нормативни белгилаш ва ўзгартира олиш имконини бериш. Бунинг натижасида суғурта компаниялари инвестиция имкониятларини туғри бошқариш ва суғурта захираларини ошиш имконини беради. Натижада, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожланишини ва суғурта компанияларини молиявий барқарор компанияга айланишига замин

яратади.

Суғурта захираларини инвестиция қилишда унинг самарадорлигини оширишнинг икки йўналиши таклиф қилинади.

Суғурталовчиларни активларини жойлаштириш бўйича талабларни баъзи пунктларига ўзгартиришлар киритиш яъни фойдалилик даражаси юқори бўлган йўналишлар улушини ошириш;

Суғурта ташкилотининг инвестицион фаолиятини таҳлил қилиб бориш методларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий қилиш.

Суғурта компаниясининг «инвестиция фаолиятини фаоллаштириш иккита асосий соҳага таъсир қилиши керак. Ўз фаолияти натижасида янги ресурсларни жалб қилиш ва юқори сифатли инвестиция воситаларини танлаш ва уларни бошқариш самарадорлигини ошириш»[11].

Суғурта компанияларини «самарали инвестиция фаолияти учун солиқ сиёсатида ҳам маълум даражада имтиёзлар бўлиши керак. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ва халқаро рақобатбардошлигини ёмонлаштирмасдан солиқ тушумларининг барқарор оқимини таъминлаши кераклиги илгари сурилади»[12].

Инвестиция самарадорлиги асосан инвестицияни қайси соҳага жойлаштиришга ва инвестицияларни қайси йўналишда ишлатишга боғлиқдир. Иқтисодий ўсиш биринчидан, инвестиция миқдорига, иккинчидан унинг самарадорлигига боғлиқдир. Шундай экан инвесторларни инвестиция фаолиятини оқилона олиб боришлари, янги-янги инвестиция манбаларини ишлаб чиқишлари орқали инвестиция маблағларини кўпайтириш талаб

қилинади. Инвестиция фаолияти субъектларини ўзаро тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат улар ўртасидаги шартнома (контракт) ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек суғурта компаниялари асосий фаолият билан бир қаторда инвестиция фаолиятини ҳам амалга ошириш имкониятига эгадирлар.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ, суғурта амалиётида суғурта захираларини (рисklar бўйича депо бадал, қайта суғуртага қабул қилинган дебитор қарздорликлар, қайта суғурталовчининг суғурта захираларида қатнашиш улуши) қопланишини қўллашда янги активлар турлари киритилган. Ҳозирги вақтда суғурта компаниялари олдида инфляция даражасини юқорилиги ва молиявий инструментлар нотекис шароитида фойдалилиги ва ликвидлигининг йўқлиги сабабли инвестиция портфелининг ишончли тамойилларини шакллантириш бўйича катта мураккабликлар юзага келмоқда[13].

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳамда мамлакатимиз суғурта компанияларининг бозордаги тажрибаларининг озлиги, инвестиция соҳасини мукамал олиб борадиган мутахассисларнинг этишмаслиги ҳам инвестиция фаолиятни самарадорлигини оширишда сезирарли таъсирини кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг аксариятини ёшлиги, қайта ҳамда янги ташкил топганлиги сабабли миллий суғурта компаниялари активларининг камлиги инвестицияга йўналтирадиган маблағларнинг салмоғини пастлигига олиб келмоқда.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибалари асосида ушбу муаммоларни ҳал этиш, инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топишни олдимизга мақсад қилиб қўйиш мумкин бўлади. Шунингдек, суғурталовчининг молиявий ресурслари қанчалик даражада юқори бўлса улардан фойдаланиш ҳам шунча юқори даражада бўлади. Шунинг учун суғурталовчилар ўз молиявий ресурсларини янада ошириши ва кенгайтириши лозим. Бунинг учун албатта суғурта компаниялари суғуртанинг умумий тармоғи бўйича қолаверса ҳаёт суғурта тармоғи бўйича кўрсатилиши лозим бўлган суғурта хизматларини ўзларининг фаолиятларида кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида суғурта ташкилотларини қўшимча инвестиция фаолиятини амалга оширишга ундайди ҳамда унинг молиявий барқарорлик даражасини оширади ва мустаҳкамлайди.

Янги «узок муддатли суғурта воситаларини шакллантириш, суғурта институтлари капиталлашувини кўпайтириш, макро ва мезо даражаларида такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун иқтисодий ривожланиш институтлари билан биргаликда инвестиция сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш зарур»[14].

Ҳозирда мамлакатимиз суғурта тизими олдида фуқароларни ва юридик шахсларни мулкӣ ва шахсий манфаатларини самарали ҳимоя қила оладиган суғурта тизимини яратиш асосий мақсадлардан биридир.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари <https://imda.uz/uz/9-oylik-2022/>
2. Е.Н. Певченко, Т.Г.Ильина, «Методы оценки инвестиционной деятельности страховых компаний» Вестник Томского государственного университета. Экономика. 2018. № 41;
3. О.С. Bobkov, I.P. Kurochkina, «О способах повышения эффективности инвестирования страховых резервов в России» Экономика, Статистика и Информатика № 261 6(2), 2014;
4. А.А. Turgaeva «Инвестиционный потенциал страховых компаний и оценка их конкурентоспособности» Finance and Credit, 2017, volume 23, issue 2, pages 89–109;
5. V.V. Frolova «Методика оценки качества управления инвестиционной деятельностью страховых компаний» Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2013. № 1. С. 26–32.
6. Olha Kozmenko, Victoria Roienko «Evaluation and use of indicators of insurance companies' investment activities» Investment Management and Financial Innovations, Volume 10, Issue 3, 2013.
7. Vey Xuang, Martin Eling «An efficiency comparison of the non-life insurance industry in the BRIC countries» European Journal of Operational Research Volume 226, Issue 3, 1 May 2013, Pages 577-591
8. Kaoru Ohang Qian Long Kweh, Ven-Min Lu va Irene Vey Kiong Ting «Modeling investments in the dynamic network performance of insurance companies» Omega Volume 88, October 2019, Pages 237-247 <http://www.sciencedirect.com>;
9. Буюк келажак халқаро нотижорат ташкилоти «Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси» 2018 йил 14-апрел. Стратегия Ўзбекистан 2035 — Ўзбекистан 2035;
10. «The Role of Insurance Investments in the US Economy» Winter 2019 <https://www.centerforcapitalmarkets.com/resource/the-role-of-insurance-investments-in-the-u-s-economy/>
11. С.Ф. Купарева, Л.С. Фокин, «Особенности инвестиционной деятельности страховых организаций» Economics and business 2019 https://www.elibrary.ru/download/elibrary_37126926_44233071.pdf
12. A. Jugoslav, J. Miloje, M. Jasminka: «Local Tax Policy in the Function of Development of Municipalities in Serbia»// «Procedia - Social and Behavioral Sciences». Volume 221, 2016, Pages 262 – 269. www.scopus.com/
13. Alikulov, M. (2021). THE WAYS TO OPTIMIZE THE INVESTMENT PORTFOLIO IN INSURANCE COMPANIES. *International Finance and Accounting*, 2021(1),
14. K.V. Gutova, O.A. Okorokova, «Современные аспекты инвестиционной деятельности в страховых компаниях» Международный научный журнал «Инновационная наука» №2/2016